



Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг 2018-2023 йиллардаги фаолияти юзасидан МАЪЛУМОТНОМА

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри адвокатлари
эътиборига

*Маълумотнома дастлабки матнда бўлиб, Ўзбекистон Республика Адвокатлар палатасининг IV-Конференциясида Палатанинг ҳисоботиغا қисман асос этиб олинishi назарда тутилган. Маълумотномани Палатанинг расмий сайтида сентябрь-октябрь ойларида чоп этиши Палата раҳбарияти томонидан шу йил июль ойида қарор қилинган. Адвокатлар палатасининг IV-Конференциясидаги Палатанинг расмий ҳисоботини (маълумот учун: Палатанинг уставига кўра ҳисобот Конференция куни берилиши белгиланган) Конференция кунига қадар чоп этиши Палата раҳбарияти томонидан режалаштирилган. Маълумотномага киритилган деярли барча маълумотлар, ҳисоботлар, хулосалар ва бошқалар, муқаддам (2018 йил декабрдан бошлаб бугунги кунга қадар) Ўзбекистон Республика Адвокатлар палатасининг **Расмий сайтида** (<https://paruz.uz/>), “ADVOKAT” журнали ва “ADVOKAT PRESS” газетасида чоп этилиб келинган.*

Маълумотномада келтирилган баъзи рақамлар расмий (қонунчиликда белгиланган) статистик маълумот ҳисобланмайди, балки Палатанинг ички жорий фаолияти учун тезкор (оператив) ҳолда жамланган ва заруриятга қараб ўзгартирилиши мумкин.

Кириш. Адвокатура фуқаролик жамиятининг асосий ва муҳим институтларидан бири бўлиб, унинг зиммасига юридик ва жисмоний шахсларга малакали юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ муҳим конституциявий вазифа юклатилган. Шу боис ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг қамровли демократик ислоҳотлар жараёнида адвокатура институтини ривожлантириш, унинг жамиятдаги мавқеини юксалтириш, адвокатларнинг касбий мустақиллигини таъминлаш умум эътироф этилган демократик принципларга асосланган кучли, мустақил адвокатура тизимини барпо этишга алоҳида ва доимий эътибор қаратиб келинмоқда.

Айниқса ислоҳотларнинг янги босқичини бошлаб берган охириги беш йил ичида адвокатура тизимида муҳим институтивий ўзгаришлар рўй берди. Адвокатура институти ва юридик ёрдам тизимини такомиллаштириш борасида давлатимиз раҳбари томонидан қатор фармон ва қарорлар қабул

килиндики, уларнинг амалиётга татбиқ этилиши туфайли ижобий натижаларга эришилаётганлигига ҳаммамиз гувоҳи бўлмоқдамиз.

Хусусан, **Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги “Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги Фармони мамлакатимизда адвокатура институти ривожланишининг мутлақо янги босқичини бошлаб берди, десак муболаға бўлмайди.

Фармонда мамлакатда кучли, мустақил адвокатура тизимини барпо этиш йўлида амалга оширилган ислохотлар, уларнинг ижобий натижалари эътироф этилиши билан бирга, адвокатура институтининг бугунги кун талаби даражасида ривожланишига салбий таъсир кўрсатаётган омиллар ҳам кўрсатиб ўтилди. Унда Адвокатлар палатаси зиммасига фармоннинг мақсад ва вазифаларига мувофиқ замонавий талаблар, адвокатура фаолиятининг кафолатларини амалда таъминлаш, адвокатлик тузилмалари ва адвокатларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг давлат органлари билан ўзаро муносабатларида қонуний манфаатларини қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратган ҳолда ўз ишини қайта йўналтириш бўйича комплекс чора-тадбирлар белгилаш вазифаси ҳам юклатилди.

Шунингдек, Президент фармонида адвокатлик фаолияти ва суд ишини юритиш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари Адвокатлар палатаси билан келишилиши шартлиги ҳамда унинг раиси қонун лойиҳаларининг парламентда муҳокама қилиниши жараёнида иштирок этиб, ўз фикрини билдиришга ҳақли эканлиги белгиланиши адвокатуранинг жамиятдаги мавқеи ва нуфузини янада ошириш баробарида суд-ҳуқуқ ва инсон ҳуқуқлари ҳимояси билан боғлиқ қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уларни такомиллаштириш жараёнида адвокатларнинг бевосита иштирок этиши учун кенг имкониятлар яратилишига хизмат қилади.

Президент фармонида фаолият юритаётган адвокатлар ва янгидан адвокат мақомини олган шахслар Адвокатлар палатаси томонидан Адлия вазирлиги билан биргаликда белгиланган ҳар бир танланган мутахассислик бўйича алоҳида лицензия асосида юридик ёрдам кўрсатиши белгиланди. Бундан кўзланган асосий мақсад аввало хориж тажрибасидан келиб чиқиб адвокатларни ҳуқуқ соҳасининг муайян йўналишлари бўйича ихтисослаштириш орқали юридик ва жисмоний шахсларга кўрсатилаётган юридик ёрдам сифатини ошириш, шунингдек глобаллашув жараёнида замон талабларига жавоб берадиган малакали адвокатларни шакллантиришдан иборат. Мазкур фармон талабларидан келиб чиқиб, 2019 йил 1 январдан бошлаб фаолият кўрсатаётган барча адвокатларга малака имтиҳонларини қайта топширмаган ва расмийлаштириш учун йиғим тўлашдан озод этилган ҳолда танланган мутахассислик бўйича адвокатлик лицензиялари адлия идоралари томонидан расмийлаштириб берилди. Янгидан адвокатлик лицензиясини олиш учун талабгорларга танланган ихтисослик бўйича малака имтиҳонларини топшириш тартиби белгиланди.

Таъкидлаш жоизки, давлатимиз раҳбари томонидан белгилаб берилган Янги Ўзбекистон Концепциясида назарда тутилган дастурлар, лойиҳалар, йўл хариталари ва қонунчилик асосларини такомиллаштиришга қаратилган турли чора-тадбирларнинг амалга оширилиши натижаси ўлароқ, адвокатларнинг ваколатларини кенгайтиришга қаратилган ҳуқуқий асослар янада такомиллашиб бормоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йилнинг 24 июль куни имзоланган “Судлар фаолиятини янада такомиллаштириш ва одил судлов самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонга асосан 2021 йилнинг 18 февралдан бошлаб суд муҳокамаси жараёнида инсон ҳуқуқлари кафолатларини янада кучайтириш ва тарафларнинг тортишув тамойилини реал рўёбга чиқариш мақсадида жиноят судларида дастлабки эшитув ва кўрсатувларни олдиндан мустаҳкамлаб қўйиш сингари янги ҳуқуқий институтлар жорий этилди.

Бундан ташқари, адвокатларнинг мавжуд қонунчиликда мустаҳкамлаб қўйилган ваколатларини янада кенгайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 5 июлдаги “Ўзбекистон Республикасида суд-экспертлик тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони билан 2021 йил 1 сентябрдан бошлаб адвокатга иқтисодий, фуқаролик ва маъмурий иш юритишда судга қадар тайёргарлик ва суд жараёнида эксперт хулосасини суд муҳокамасида тақдим этиш ҳуқуқи асосида давлат ва нодавлат суд-экспертиза ташкилотларида шартнома асосида адвокат сўровига кўра экспертиза ўтказиш ташаббуси билан чиқишга рухсат берилди.

Юқорида қайд қилинган ҳуқуқий асослар ва уларни ижро қилиш механизмининг такомиллаштирилиши натижасида бугунги кунда ушбу йўналишда ҳам сезиларли ижобий ўзгаришлар рўй бермоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 30 майдаги **“Адвокатура фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги ПҚ-263-сон қарори билан 2023 йил 1 январдан фуқароларга юридик ёрдам кўрсатиш жараёнларини рақамлаштириш, адвокатура соҳасини судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳамда бошқа давлат органлари фаолияти билан интеграция қилишни назарда тутувчи «Юридик ёрдам» ахборот тизими ишга туширилди. Ушбу фармон талабларидан келиб чиқиб 2023 йил 1 февралдан бошлаб адвокатлик тузилмалари томонидан адвокатларга муайян ишни олиб бориш учун бериладиган анъанавий шаклдаги ордер мақомига тенг бўлган махсус QR-код қўйилган «Электрон адвокатлик ордери»ни бериш амалиёти йўлга қўйилди.

Илгари малака имтиҳонини топшириш, лицензия олиш, адвокатлик тузилмаларини рўйхатдан ўтказиш, адвокатлик гувоҳномасини олиш учун алоҳида-алоҳида ваколатли органга ариза билан мурожаат қилинар, ҳужжатлар эса қоғоз шаклида топширилар эди. Эндиликда ушбу хизматлар бир мартаба электрон ариза бериш йўли билан амалга оширилмоқда. Яъни,

адвокат малака имтиҳони топшириш учун ариза бериб, имтиҳонни муваффақиятли топширса, унинг ҳужжатлари малака комиссияси томонидан электрон тизим орқали лицензияловчи органга юборилади. Бундан ташқари, адвокатлик тузилмаларини давлат рўйхатидан ўтказиш, қайта рўйхатдан ўтказиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали “Ягона дарча” тамойили асосида фақат электрон тарзда амалга оширилиши белгиланганди. Бу билан бир неча хизматлардан фойдаланиш учун қайта-қайта ваколатли органларга муурожаат қилиш амалиёти бартараф этилди. Албатта, адвокатлик фаолиятини рақамлаштириш, тизимга замонавий ахборт технологияларини жорий этиш замон талаби бўлиб, бу кўрсатиладиган юридик ёрдамнинг сифат ва самарадорлигига ўзининг ижобий таъсирини кўрсатди, қоғозбозликни камайтирди ва олинган топширикни овозагарчиликларсиз, тезроқ ва сифатли бажаришга имконият яратди.

Адвокатура тарихида илк бор Ўзбекистон Республикасининг янги Конституциясида адвокатуранинг мақомини белгиловчи нормалар алоҳида боб сифатида киритилди (**XXIV боб, 141 ва 142 моддалар**). Бу ҳам мамлакатимизда адвокатура институтига қаратилаётган кенг эътиборнинг яққол намунасидир.

Адвокатнинг касбий фаолиятига аралашшга йўл қўйилмаслиги конституциявий даражада мустаҳкамланиши кучли адвокатура тизимини яратишнинг асосий омили бўлиб хизмат қилади. Ушбу қоида “ҳеч бир идора адвокатларнинг фаолиятига тўсқинлик қилмаслиги шарт” деган ғоянинг конституциявий ифодасидир. Ушбу ўзгартириш суд процессида адвокат прокурор билан тенгма-тенг мунозарага киришишини таъминлайди, иш бўйича далилларни тўплаш ва тақдим этиш фаолиятига аралашмаслик натижасида адвокатуранинг ҳуқуқий ҳолати мустаҳкамланади.

Адвокатлик фаолиятидаги эркинлик ва ҳар қандай тўсиқларни бартараф этиш, нафақат адвокатнинг ишини енгиллаштиради, балки адвокат ҳимоя қилаётган шахснинг қонуний ҳуқуқ ва манфаатларини янада таъминлайди.

Адвокатура ва адвокатлик фаолиятининг ҳуқуқий мақоми Конституциямизнинг алоҳида бобида белгиланганлиги адвокатуранинг жамиятдаги мавқеини юқори даражада кўтарилаётганлигини англатади.

Бунда адвокатура фаолияти илк бор халқаро стандартларда белгиланган қонунийлик ва мустақиллик принциплари асосида фаолият юритиши ҳамда уни давлат эмас ўзини-ўзи бошқариш тамойилига асосан адвокатларни ўзи тузган адвокатлар ҳамжамияти томонидан бошқарилиши Конституциявий нормада мустаҳкамланди.

Конституцияда прокуратура каби, адвокатурага ҳам алоҳида боб ажратилиши айблов ва ҳимоя тарафларининг том маънода тенглигини таъминлашга хизмат қилади

Адвокатура мазмун-моҳиятига кўра нодавлат-нотижорат ташкилот бўлиб, у ўзини ўзи бошқариш тамойили асосида фаолият кўрсатади. Бугунги кунда Адвокатлар палатаси мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган

адвокатларнинг корпоратив бирлигини таъминловчи, уларни касбий ҳимоя қилувчи ва барча ташкилотлар олдида уларнинг манфаатларини ифода этувчи ягона касбий бирлашма ҳисобланади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 1 майдаги “Ўзбекистон Республикасида адвокатура институтини янада ислоҳ қилиш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПФ–3993-сон Фармонига асосан Ўзбекистон Адвокатлар ассоциацияси замирида ташкил этилган эди.

2009 йил 1 январда кучга кирган “Адвокатура институтининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни билан “Адвокатура тўғрисида”ги қонунга Адвокатлар палатасига оид қўшимча моддалар киритилиб, унда палатанинг ҳуқуқий мақоми, палатага аъзолик, палатанинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари, асосий вазифалари ҳамда фаолият йўналиши белгилаб қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ташкил этилиши муносабати билан илгари адлия идоралари томонидан амалга оширилиб келинган адвокатура ва адвокатлик фаолиятига оид қўйидаги масалаларни ҳал этиш ваколати Адвокатлар палатасига берилди ва палатанинг асосий вазифалари этиб белгиланди. Хусусан:

- адвокатлик тузилмалари фаолиятини марказлаштирилган ҳолда мувофиқлаштириб бориш;

- адвокатурани янада ривожлантиришга, унинг обрў-эътиборини оширишга, адвокатуранинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги ролини кучайтиришга кўмаклашиш;

- аҳолининг ҳуқуқий билимлари ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган ҳуқуқий тарғибот чора-тадбирларни амалга ошириш;

- қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, ҳуқуқий тартибга солишнинг яхлитлигини ҳамда қонунчилик нормаларининг бир хилда қўлланилишини таъминлашга доир таклифлар киритиш;

- адвокатура фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиш, улар юзасидан таклифлар тайёрлаш;

- адвокатларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш, шу жумладан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан муносабатларда, шунингдек судда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш;

- адвокатларни уларнинг касбий фаолияти билан боғлиқ таъқиблардан, чеклашлар ва тажовузлардан ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўриш;

- адвокатларнинг касбий тайёргарлиги ва малака оширишини ташкил этиш;

- аҳолининг юридик ёрдамдан фойдалана олиш имкониятини туманлар ва шаҳарларда юридик маслаҳатхоналар ташкил этиш орқали таъминлаш;

– адвокатура фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотларни тўплаш ва ўрганиш, адвокатларнинг ижобий иш тажрибасини оммалаштириш, адвокатлик тузилмаларига услубий ёрдам кўрсатиш;

– адвокатлар томонидан қонунчиликка, Адвокатнинг касб этикаси қоидаларига, адвокатлик сири ва адвокат қасамёдига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш.

Амалдаги қонунчиликка биноан, Адвокатлар палатасининг Конференцияси палатанинг юқори органи бўлиб, камида беш йилда бир марта чақирилади ва унда адвокатура ва адвокатлик фаолиятининг муҳим йўналишлари муҳокама қилинади. Адвокатлар палатасининг Уставига асосан Адвокатлар палатаси раиси палатанинг 5 йиллик фаолияти юзасидан Конференцияга ҳисоб беради.

Шундай экан, “Адвокатура тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ва Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Устави талабларидан келиб чиқиб, Адвокатлар палатасининг 2018-2023 йиллардаги фаолияти юзасидани тайёрланган қисқача маълумотнома эътиборингизга хавола этилади.

1. Адвокатлик тузилмаларининг фаолиятини марказлаштирилган ҳолда мувофиқлаштириб бориш Адвокатлар палатаси фаолиятининг асосий ва муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Шу боис Адвокатлар палатаси адвокатларнинг касбий фаолиятига аралашмаган ҳолда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлардаги ҳудудий бошқармалари орқали адвокатлик тузилмалари фаолиятини такомиллаштириш, малакали юридик ёрдамни ташкил қилиш, жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатилишининг сифат ва самарадорлигини оширишга қаратилган корпоратив ҳужжатларни ишлаб чиқиб амалиётга татбиқ этиш йўли билан уларнинг фаолиятини мувофиқлаштириб бормоқда.

Палатанинг коллегиял ижроия органи бўлган Бошқарувнинг 24 йиғилишида адвокатура фаолиятига тегишли жами 104 та масала муҳокама қилиниб, уларнинг натижаси юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди. Шунингдек, Бошқарув йиғилишларида адвокатларнинг касбий ҳимоясини таъминлаш механизмини такомиллаштириш, юридик ёрдам, шу жумладан бепул юридик ёрдам кўрсатилишини таъминлаш, адвокатларнинг касбий тайёргарлигини синаб кўриш ва уларни рағбатлантириш каби масалаларни ҳуқуқий жиҳатдан тартибга солишга қаратилган 7 та низом, бир нечта йўриқнома ва тартиб қоидалар ишлаб чиқилиб, тасдиқланди.

Хусусан:

– 2018 йил 16 мартда Услубий маслаҳат кенгаши тўғрисида низом;

– 2018 йил 13 июлда Адвокатларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга кўмаклашувчи комиссия тўғрисида ва Адвокатларга малака даражасини бериш тартиби тўғрисидаги низомлар;

– 2019 йил 25 январда Этика комиссияси тўғрисида, Адвокат томонидан гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчига давлат ҳисобидан юридик

ёрдам кўрсатиш тартиби тўғрисида, Адвокатлар томонидан қонунчилик ва адвокатларнинг касб этикаси қоидаларини бузганлиги юзасидан келиб тушган муурожаатлар бўйича иш юритиш тартиби тўғрисидаги низомлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Бошқаруви қарорлари бўйича сиртдан овоз беришнинг вақтинчалик тартиби;

– 2021 йил 19 мартда Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасига аъзолик ва кириш бадалларини тўлаш ва тақсимлаш тартиби ҳақидаги қоидаларнинг янги таҳрири;

– 2022 йил 8 августда Адвокатлар орасида ҳар йили ўтказиладиган касбий танлов тўғрисидаги низомлар қабул қилинди.

Шунингдек, Адвокатлар палатаси томонидан Адлия вазирлиги билан биргаликда:

– 2018 йил 5 январда “Адвокатлик тузилмаларининг статистик маълумотлар шаклини тасдиқлаш” ҳақида;

– 2018 йил 6 январда “Адвокат стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомнинг 5-бандига ўзгартириш киритиш” тўғрисида;

– 2018 йил 6 январда “Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомнинг 18-бандига ўзгартириш киритиш” ҳақида;

– 2018 йил 25 сентябрда “Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”;

– 2018 йил 7 декабрда “Адвокатлик гувоҳномаси ва адвокатларнинг давлат реестрини юритиш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”;

– 2018 йил 12 декабрда “Адвокат стажёрининг фаолиятини ташкил этиш тўғрисидаги низомнинг 13-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида”;

– 2019 йил 9 январда “Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳузуридаги Олий малака комиссияси тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”;

– 2019 йил 9 январда “Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари тўғрисидаги низомга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”;

– 2019 йил 1 июлда “Адвокат ёрдамчисининг фаолиятини ташкил этиш тартиби тўғрисидаги низомнинг 11-бандига ўзгартириш киритиш ҳақида”;

– 2023 йил 31 январда “Адвокат томонидан ишни олиб боришга ордер шаклини тасдиқлаш тўғрисида”ги ҳужжатлар тасдиқланди.

2. Адвокатурани янада ривожлантиришга, унинг обрў-эътиборини оширишга, адвокатуранинг инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилишдаги ролини кучайтиришга қўмаклашиш Адвокатлар палатаси фаолиятининг иккинчи йўналишидир.

Адвокатурани янада ривожлантириш, нафақат Республикамиз миқёсида балки хорижий давлатлар адвокатлари ҳамжамияти орасида ҳам унинг обрў-эътиборини ошириш Адвокатлар палатасининг доимий эътибори

ва диққат марказида бўлиб келди. Бу йўналишда амалга оширилган ишларнинг натижаси улароқ ўтган давр мобайнида МДХ мамлакатларининг Халқаро адвокатлар (ҳамжамияти) Уюшмаси, Ҳиндистон, Германия, Россия Федерацияси, Беларусь, Украина, Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркменистон, Грузия, Жанубий Корея, Хитой, Туркия, Словения ва бошқа давлатларнинг адвокатлар ассоциациялари билан ўзаро ҳамкорлик муносабатлари ўрнатилиб, икки томонлама ўзаро ҳамкорлик меморандумлари имзоланди.

Ўтган 5 йил давр мобайнида бевосита Адвокатлар палатаси томонидан халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда адвокатура ва адвокатлик фаолиятига бағишланган 3 та йирик халқаро конференциялар ташкил этилди. Жумладан:

- АҚШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID), Халқаро ҳамкорлик бўйича Германия жамияти (GIZ), “Минтақавий мулоқот” Халқаро ноҳукумат ташкилоти, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори, БМТнинг гиёҳвандлик ва жиноятчиликка қарши кураш бўйича бошқармаси, БМТнинг Тараққиёт дастури, Европа юристлар ассоциацияси, Туркий тилда сўзлашувчи ва қардош мамлакатлар адвокатлари ассоциацияси ва бошқа халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди. Ҳамкорлик натижаси ўлароқ 2019 йил 25 октябрь куни Тошкент шаҳрида илк бор Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси томонидан Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, БМТнинг Тараққиёт дастури, Германия Халқаро ҳамкорлик ташкилоти (ГИЦ) билан ҳамкорликда “Адвокатура институтининг ривожланиш Концепцияси: Ўзбекистон ва хорижий мамлакатлар тажрибаси” мавзусида халқаро Конференция ўтказилди. Мазкур анжуманда 20дан ортиқ хорижий давлатлар адвокатлик ҳамжамияти раҳбар ва вакиллари, жами 500га яқин иштирокчилар қатнашдилар. Бундан ташқари ушбу халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва вилоятлар адвокатлари учун адвокатларнинг касбий маҳоратини ривожлантириш, инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг халқаро мезонларига мувофиқлаштиришга қаратилган айбига иқрорлик келишуви, жиноят процессида айблов билан ҳимоянинг амалда тенглигини таъминлаш каби мавзуларда жами 85та семинар-тренинглари, маҳорат дарслари ташкил этилиб ўтказилди ва унда 1000 дан ортиқ адвокатлар иштирок этдилар.

- 2022 йил 4 ноябрь куни Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси томонидан ҳамда Адлия вазирлиги, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар координатори, БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссарлигининг Марказий Осиёдаги минтақавий бошқармаси, Юридик мутахассислар учун Инсон ҳуқуқлари бўйича Европа таълим дастури (HELP) ҳамкорлигида ташкиллаштирилган “Адвокатуранинг

ривожланиш истиқболлари: Ўзбекистон ва хорижий давлатлар тажрибаси” мавзусида II Халқаро конференцияси ўтказилди (иштирокчилар сони – 150 дан ошиқ). Ушбу конференцияни ўтказишдан асосий мақсад адвокатура институтини мустаҳкамлаш, уни ривожлантириш масалаларини муҳокама қилиш, хорижий мамлакатлар адвокатлик фаолиятининг истиқболлари тўғрисида хорижий ва миллий эксперт гуруҳларини фикрларини таҳлил қилиш, бепул юридик ёрдам кўрсатиш соҳасида юзага келаётган муаммоларга ечим излаш, адвокатларнинг малакасини ошириш ва тадбиркорлик субъектларига ҳамда инвестиция фаолиятида малакали ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш тизимини таҳлил қилиш ҳамда амалиётнинг долзарб масалалари юзасидан фикр ва халқаро тажриба алмашишдан иборат бўлди.

- 2023 йил 10 февраль куни Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳамда Адвокатлар палатасининг хорижий ҳамкорлари “Минтақавий мулоқот” ХНТ, ЕХХТнинг Ўзбекистондаги лойиҳалар Координатори, шунингдек, маҳаллий ҳамкорлари «My Lawyer», «Prae Legal», «Dentons», «Leges Advokat» адвокатлик фирмалари ҳамкорлигида ташкиллаштирилган “Адвокатура институтини ривожлантиришда адвокатлар касбий ассоциацияларининг роли” мавзусида халқаро адвокатлар конференцияси бўлиб ўтди (иштирокчилар сони – 100 дан ошиқ).

Халқаро конференцияда АҚШ, Германия, Словения мамлакатлари адвокатлик ҳамжамиятлари вакиллари, республикамизда фаолият юритаётган халқаро ташкилотлар вакиллари, экспертлар, Адлия вазирлиги, Адвокатлар палатаси, Тошкент давлат юридик университетининг профессор-ўқитувчилари, суд-ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган вакиллари, нодавлат-нотижорат ташкилотлар вакиллари, юриспруденция соҳаси бўйича мутахассислар, экспертлар, республикамизда фаолият юритаётган адвокатлар ҳамда маҳаллий ва хорижий ОАВ вакиллари иштирок этдилар.

Бундан ташқари, 2023 йил 2 июнь куни Баку шаҳрида Озарбайжон Адвокатлар ассоциацияси ва Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳамкорлигида “Инсон ҳуқуқлари бўйича Халқаро ҳуқуқнинг бир қисми сифатида гендер тенглиги” мавзусида халқаро конференция бўлиб ўтди. Мазкур конференцияда Ўзбекистон Республикаси, Озарбайжон Республикаси, Болгария, Грузия, Ҳиндистон, Ирландия, Қозоғистон, Қирғистон, Сербия ва Туркия давлатларидан 200 дан ортиқ адвокатлар иштирок этиб, мавзу юзасидан тажриба ва фикр алмашдилар.

Халқаро ташкилотлар томонидан Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармаларида масофадан ўқитиш учун керак бўладиган техник жиҳозлар, Адвокатлар палатасида ташкил этилган суд зали, видео-овоз ёзиш студияси, типографика ва ўқув хоналарини ташкил этиш ва бошқа техник ускуналар билан жиҳозланди (тегишли Иловани қаранг).

Таъкидлаш жоизки донорлар бу маблағларини палата ходимларини рағбатлантириш ёки уларга иш ҳақи учун эмас балки адвокатура тизимини ривожлантириш мақсадларига йўналтирган. Бунда, барча лойиҳаларнинг (тадбирлар билан бирга) донорларидан палатанинг банк ҳисоб рақамига умуман пул тушмаган, балки жихозлар улар томонидан бевосита харид қилиниб палатага шартнома асосида бегараз топширилган. Мол-мулкларни қабул қилишда Палата томонидан ННТлар учун белгиланган қонунчилик талаблари тўлиқ бажарилган.

Шунингдек, мазкур халқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда ҳисобидан адвокатлар, стажёрлар учун семинар, тренинг, вебинар ва давра суҳбатлари ташкил қилинди. Адвокатлар томонидан хорижий мамлакатлардаги халқаро конференция ва тадбирларда иштирок этиш учун ва Ўзбекистон Республикасида ташкил этилган халқаро конференциялар халқаро ташкилотлар томонидан молиялаштирилди (тегишли Иловани қаранг).

Адвокатлар палатаси томонидан республикамиздаги қатор муассаса ташкилотлар, нодавлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, юридик йўналишдаги ўқув муассасалари билан ҳам ўзаро ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди ва қуйидагилари билан ўзаро ҳамкорлик меморандумлари имзоланди. Хусусан, Тошкент давлат юридик Унверситети, Ўзбекистон Республикаси Олий мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили Омбудсман, Ўзбекистон ногирон ишбилармон аёллар Ассоциацияси, Тошкент шаҳар Ногирон аёллар уюшмаси, Ўзбекистон Иқтисодиёт ассамблеяси, “Мадад” нодавлат ноижорат ташкилоти, Ўзбекистон Республикаси Судьялар олий кенгаши ҳузуридаги Судьялар олий мактаби, Ўзбекистон Республикаси нотариал палатаси, Адлия вазирлиги ҳузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази, Ўзбекистон Республикаси Махалла ва оилани қўллаб қувватлаш вазирлиги ҳузуридаги Махалла ва оила илмий-тадқиқот институти шулар жумласидандир. Албатта маҳаллий ва хорижий давлатлар, давлат идоралари, нодавлат ташкилотлари, фуқаролик жамияти институтлари, суд- ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар билан йўлга қўйилган ҳамкорлик алоқалари ва улар билан имзоланган икки томонлама меморандумлар мамлакатимизда ва халқаро миқёсда адвокатура тизимини обрӯ-эътиборини янада оширишга хизмат қилади.

3. Аҳолининг ҳуқуқий билимлари ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган ҳуқуқий тарғибот чора-тадбирларини амалга ошириш
Адвокатлар палатаси фаолиятининг ажралмас ва узвий қисмидир.

2018-2023 йиллар оралиғида Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси Адвокатларни касбий тайёрлаш департаменти ҳамда унинг вилоятлардаги бўлим ва секторлари ходимлари томонидан адвокатларни касбий тайёрлашга, аҳолининг ҳуқуқий билимларини ошириш ва ҳуқуқий тарғибот ишларини узлуксиз олиб боришга катта эътибор қаратилди.

Адвокатлар томонидан аҳолининг ҳуқуқий билимлари ва ҳуқуқий маданиятини оширишга қаратилган жами **119 285 та** ҳуқуқий тарғибот ишлари амалга оширилди.

Худудий бошқармалар томонидан олиб борилган тарғибот ишлари оммавий ахборот воситалари орқали кенг жамоатчилик эътиборига тақдим этилиб борилди. Хусусан, ушбу даврда худудий бошқармалар тизимида фаолият юритаётган адвокатлар ва ходимлар томонидан умумий ҳисобда деярли 1000 га яқин телевидения орқали чиқишлар қилинган бўлса, 500 дан ошиқ радио орқали эшиттиришларда қатнашилиб, тарғибот ишлари амалга оширилган.

Оммавий ахборот воситаларининг яна бир тури ҳисобланган газета ва журналларда ҳам тарғибот ишлари олиб борилган. Газета ва журналларда чоп этилган мақолаларнинг сони жами **6623 тани** ташкил қилади.

Тарғибот ишлари оммавий ахборот воситалари билан бир қаторда оғзаки тарзда ҳамда семинар, конференция, давра суҳбатлари ва бошқа кўринишларда ҳам олиб борилган.

Ушбу даврда оғзаки тарзда олиб борилган тарғибот ишларининг умумий сони **34452 тани** ташкил қилиб, улардан 21595 таси бевосита худудий бошқармалар томонидан уюштирилган тадбирлар ҳисобланса, 12855 таси бошқа ташкилот, муассасалар томонида томонидан уюштирилган тадбирларида қатнашиб амалга оширилган оғзаки тарғиботлар ҳисобига тўғри келади.

Бошқа соҳалар бўйича тарғиботларнинг умумий сони **5799 тани** ташкил қилади. Худудий бошқармалар томонидан оғзаки ва оммавий ахборот воситаларида амалга оширилган ҳуқуқий тарғибот ишлари билан бир қаторда **457 та** ёзма равишда яъни, китоб, рисола ва бошқа услубий қўлланмалар чоп этиш орқали ҳам тарғибот ишлари олиб борилди.

Фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш, юридик ёрдамга муҳтож фуқароларга тез ва сифатли юридик ёрдам кўрсатиш, ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларнинг олдини олиш мақсадида Адвокатлар палатасининг худудий бошқармалари томонидан жойлардаги халқ қабулхоналарида ҳамда маҳалла фуқаролар йиғинларида адвокатларнинг ихтиёрий навбатчилиги йўлга қўйилди.

Бу орқали фуқаролар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олишлари, лозим топишса юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида шартнома тузишлари ҳам мумкин бўлади.

2018-2023 йиллар давомида худудий бошқармалар тизимида фаолият юритаётган адвокатлар томонидан халқ қабулхоналарида жами ҳисобда **17436** нафар фуқарога, маҳалла фуқаролар йиғинларида навбатчилик

қилаётган адвокатлар томонидан жами **65153 нафар фуқарога** бепул юридик ёрдам берилди.

4. Қонунчиликни ва ҳуқуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириши, ҳуқуқий тартибга солишининг яхлитлигини ҳамда қонунчилик нормаларининг бир хилда қўлланилишини таъминлашга доир таклифлар киритиш Адвокатлар палатасининг муҳим вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 12 майдаги “Адвокатура институти самарадорлигини тубдан ошириш ва адвокатларнинг мустақиллигини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида адвокатлик фаолияти ва суд ишини юритиш билан боғлиқ норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари Адвокатлар палатаси билан келишилиши шартлиги ҳамда унинг раиси қонун лойиҳаларининг парламентда муҳокама қилиниши жараёнида иштирок этиб, ўз фикрини билдиришга ҳақли эканлиги белгиланиши адвокатуранинг жамиятдаги маъқеи ва нуфузини янада ошириш баробарида суд-ҳуқуқ тизими ва инсон ҳуқуқлари ҳимояси билан боғлиқ қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва уларни такомиллаштириш жараёнида адвокатларнинг бевосита иштирок этиши учун кенг имкониятлар яратилишига хизмат қилади. Шу боис ҳам мутасадди ташкилотлар томонидан суд ишини юритиш, одил судлов, инсон ҳуқуқлари ҳимояси, юридик ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ қонун ва меъёрий ҳужжатлар лойиҳалари фикр-мулоҳаза ва таклифлар бериши учун доимий равишда Адвокатлар палатасига юборилмоқда.

Ўтган даврда Адвокатлар палатасига юборилган 287 та қонун ва қарорлар лойиҳаларига фикр-мулоҳаза ва таклифлар тайёрланиб юборилган бўлса, адвокатлик фаолияти ва суд ишини юритиш билан боғлиқ 52 та норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳалари Адвокатлар палатаси билан келишилган ҳолда қабул қилинди. Шунингдек, жами 33 та Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарори лойиҳаларига таклифлар билдирилди. Бундан ташқари, ушбу даврда қонун лойиҳалари ва норматив ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш учун тузилган ишчи гуруҳларда 15 нафар адвокат эксперт сифатида катнашди. Шунингдек, палата раиси адвокатлик фаолияти ва суд ишини юритиш билан боғлиқ қонун лойиҳаларининг парламентда муҳокама қилиниши жараёнида доимий равишда иштирок этиб келмоқда.

5. Адвокатура фаолиятини тартибга солувчи норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқишда иштирок этиши, улар юзасидан таклифлар тайёрлаш Адвокатлар палатасининг устувор вазифаларидан биридир.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 13 декабрдаги “Конституция ва қонун устуворлигини таъминлаш, бу борада жамоатчилик назоратини кучайтириш ҳамда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–4551-сонли қарорининг 9-бандида

Адвокатура институтини ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш белгиланган эди.

Мазкур вазифа ижросини таъминлаш мақсадида Адвокатлар палатаси хузурида тузилган ишчи гуруҳ томонидан Концепция лойиҳаси ишлаб чиқилди. Лойиҳада адвокатура нуфузини янада ошириш, унинг чинакам мустақиллигини таъминлаш, адвокатларнинг касбий ваколатларини кенгайтириш, ижтимоий ҳимоя кафолатларини кучайтиришга қаратилган илғор ғоялар аниқ белгиланиб, уларни амалга ошириш механизмлари акс эттирилди. Адвокатура институтини ривожлантириш концепцияси ва Йўл харитаси 2020 йил 10 апрел санаси билан progest.gov.uz орқали идоравий келишувга ҳамда жамоатчилик муҳокамасига чиқарилди. 2020 йил 12 август куни Адвокатлар палатаси раиси томонидан якуний ҳужжатлар Президент Администрациясига киритиш учун Адлия вазирлигига тақдим этилди.

2019 йил 9 январ куни қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Президентининг 5618-сон Фармони билан тасдиқланган Йўл харитасининг 42-банди ижросини таъминлаш мақсадида Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда “Бепул юридик ёрдам тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилиб, Адлия вазирлиги томонидан 2020 йил март ойида Президент Администрациясига киритилган. Бугунги кунда “Давлат ҳисобидан бепул юридик ёрдам кўрсатиш тўғрисида”ги қонун қабул қилинган.

6. Адвокатларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш, шу жумладан давлат ва хўжалик бошқаруви органлари билан муносабатларда, шунингдек судда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш ҳамда ҳимоя қилиш борасида амалга оширилган ишлар.

Ўтган давр мобайнида адвокатлик тузилмалари ва адвокатлар томонидан Адвокатлар палатасига турли йўналишдаги масалалар юзасидан кўплаб муурожаатлар келиб тушган бўлиб, уларнинг ечимини топиш учун мунозарали масалаларни имконият даражада ижобий ҳал қилиш бўйича тегишли ваколатли органларга муурожаат қилинди.

Масалан:

2019 йилда:

1. Ташкент шаҳридаги «**Consilium**» адвокатлик фирмасининг адвокати Э.Усмоновга нисбатан Тошкент вилоят Ангрен шаҳар ИИБ томонидан асосиз равишда жиноят иши кўзғатилганлиги ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига;

2. Тошкент шаҳридаги «**Respekt-Advokat**» адвокатлик бюроси адвокати Д.Музаффаровнинг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Уюшган жиноятчилик ва коррупцияга қарши кураш бошқармаси терговчиси томонидан унинг хизмат офисида тинтув ўтказилиб, компьютер техникаси жиҳозлари ва иш юритувидаги ҳужжатлар олиб қўйилганлиги ҳақидаги аризаси юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига;

3. Ташкент шаҳридаги “**Qonun va Adolat**” адвокатлик бюроси адвокати А.Мамедов ўзи юридик ёрдам кўрсатиб келаётган тадбиркорлик субъектига оид жиноят иши бўйича Тошкент шаҳар Бектемир тумани ИИБ терговчиси томонидан гувоҳ сифатида сўроқ қилиш учун чақирилгани ва кўрсатув бериш талаби қўйилганлиги ҳолати юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасига;

2020 йилда:

1. Бир гуруҳ адвокатларнинг мурожаатларидан келиб чиқиб, туман судлари ва Олий суд судьялари адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатилганлигини тасдиқловчи маълумотномаларда суднинг танаффуслари асосан равишда кўрсатилмаётганлиги ҳолати юзасидан муносабат билдириш масаласида Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисига;

2. Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туманида жойлашган “Ҳақиқат излаб” адвокатлик фирмаси адвокати Р.Жумановнинг фуқаро томонидан ўзига етказилган тан жароҳатлари бўйича суриштирув ҳаракатлари олиб борилмаётганлиги, жиноят иши кўзгатиладан қилиб кетаётганлиги масаласидаги мурожаати юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорига;

2021 йилда:

1. Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод туман суди раиси У.Содиқов адвокат И.Джумабаев томонидан суд мажлисининг танаффусларида юридик ёрдам кўрсатилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим қилинмаганлигини рўқча қилиб, адвокатга ҳақ тўлаш учун асос бўлган маълумотномани имзолашдан ва муҳр билан тасдиқлашдан бош тортганлиги ҳолати юзасидан вужудга келган мунозарали масалани ҳал қилишда амалий ёрдам сўраб Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисига;

2. Адвокатларга ўз профессионал фаолиятини амалга ошириши учун прокуратура биноларига компьютер, мобил телефон ва бошқа алоқа воситаларини олиб кириш ва улардан фойдаланиш имкониятини яратиш масаласида Республика Бош прокуратурасига;

3. Андижон вилояти Балиқчи туманида фаолият юритаётган “**HUQUQIY MADANIYAT**” адвокатлик бюросига хизмат биносини қуриш учун ер майдони ёки алоҳида бино ажратиб беришда амалий ёрдам кўрсатишини сўраб Андижон вилоят ҳокимиغا;

2022 йилда:

1. Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Нодира кўчасида жойлашган “Хончорбоғ” МФЙ маъмурий биносининг келгусида ижара шартномаси шартлари асосида “**MEZON-HUQUQ**” адвокатлик фирмаси тасарруфида қолдирилиши учун амалий ёрдам кўрсатишни сўраб Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигига мурожаат қилинди;

2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасига Молия вазирлиги томонидан киритилган “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2023 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 70-бобини (Адвокатлар ҳайъатларига, адвокатлик фирмаларига, адвокатлик бюроларига ва адвокатларга солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари) чиқариб ташлаш йўли билан адвокатлик тузилмаларини қўшимча қиймат солиғи тўловчиларига айлантириш назарда тутилганлиги муносабати билан Адвокатлар палатаси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига, Олий Мажлис Қонунчилик палатасига, Адлия вазирлигига мурожаат қилиб ушбу қонун лойиҳасидан адвокатларни ҚҚС тўловчиларига айлантиришни назарда тутувчи нормани қабул қилмаслик масаласида амалий ёрдам кўрсатиш сўралди. Шунингдек, ушбу масалада бошқа ваколатли органларга ҳам мурожаат қилинган бўлиб, қилинган саъй-ҳаракатлар натижаси ўлароқ Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 70-боби (Адвокатлар ҳайъатларига, адвокатлик фирмаларига, адвокатлик бюроларига ва адвокатларга солиқ солишнинг ўзига хос хусусиятлари) ўзгартирилди.

3. Адвокатларнинг адвокат касбий фаолиятига тўсқинлик қилганлик учун жавобгарликни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 197-1-моддасини амалиётда қўллашда юзага келадиган тўсиқлар ҳақидаги мурожаатларидан келиб чиқиб, адвокатларнинг профессионал фаолиятига тўсқинлик қилинганлиги тўғрисидаги аризаларни “Е-SUD” ахборот тизими орқали юбориш жараёнида киритилиши талаб этиладиган маълумотлар мажмуини Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 283-моддаси 6-қисмида назарда тутилган талабларга келтиришда, яъни адвокатларга ҳуқуқбузарнинг шахси ҳақида маълум бўлиши мумкин бўлган маълумотлар (фамилия, исм, ота исми ёки инициаллар, баъзи ҳолларда эса фақат лавозим)ни кўрсатишда ифодаланган тартибни жорий қилишда амалий ёрдам кўрсатишни сўраб Ўзбекистон Республикаси Олий суди раисига мурожаатлар қилинди.

Шунингдек, адвокатларнинг мурожаатларидан келиб чиқиб, 2022 йилда Адвокатлар палатаси умумий юрисдикция судлари биноларида адвокатлар учун алоҳида хоналар ажратилганлиги даражасини ўрганиб таҳлил қилди. Ўрганишлар жараёнида **Қарақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари миқёсида:**

Жиноят ишлари бўйича судларнинг 2 тасида адвокатлар хонаси олиб қўйилганлиги, 1 тасида адвокатларга шу кунгача хона ажратилмаганлигини ва яна 1 тасида эса суд ходимлари адвокатлар хонасидан фойдаланаётганлиги;

Фуқаролик ишлари бўйича судларнинг 4 тасида адвокатлар хонаси олиб қўйилгани, 2 тасида эса адвокатлар хонаси умуман ажратилмагани;

Маъмурий ишлар бўйича судларнинг 4 тасида адвокатлар хонаси олиб қўйилгани, 2 тасида эса адвокатлар хонаси умуман ажратилмагани;

Иқтисодий ишлар бўйича судларнинг 3 тасида адвокатлар хонаси олиб қўйилгани, 3 тасида эса адвокатлар хонаси умуман ажратилмагани;

Туманлар миқёсида:

Жиноят ишлари бўйича судлардаги ўзгаришларни умумлаштириб, жамини ҳисоблаганда 36 та тумандаги судлар биносига адвокатларга хона ажратилмагани, 29 та туманда мавжуд адвокатлар хонаси олиб қўйилгани, хусусан:

Фуқаролик ишлари бўйича судларда:

24 та туманлараро судларда адвокатларга хона ажратилмагани, 14 та туманлараро судларда адвокатлар хонаси олиб қўйилгани;

Маъмурий ишлар бўйича судларда:

20 та туманда адвокатларга хона ажратилмагани, 2 та туманда мавжуд адвокатлар хонаси олиб қўйилгани;

Иқтисодий ишлар бўйича судларда:

21 та туманлараро судларда адвокатларга хона ажратилмагани, 9 та туманлараро судларда адвокатлар хонаси олиб қўйилганлиги маълум бўлди. Мазкур ҳолатлар юзасидан атрофлича тайёрланган таҳлил натижалари Ўзбекистон Республикаси Олий судига юборилди.

2022-2023 йилларда:

Адвокатлар **Акилова** Нозима Ходжақбаровна, **Имамова** Барчиной Бахтиёровна ва **Қурбонова** Ферузахон Аширалиевналарга нисбатан ИИВ Тергов департаменти томонидан ЖКнинг 232-моддаси 1-қисми ва бошқа моддалари билан қўзғатилган жиноят иши доирасида дастлабки тергов ҳаракатлари олиб борилиши ва суд инстанциялари (биринчи ҳамда апелляция инстанциялари) жараёни Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси раҳбарияти ҳамда тегишли ҳудудий бошқармалар томонидан назоратга олинди.

Адвокатлар Н.Акилова ва Б.Имамоваларнинг яшаш хонадонига тинтув тергов ҳаракати ўтказилган ҳамда уларнинг ҳар иккиси процессуал тартибда ушланганлиги ҳақидаги дастлабки хабарлар келиб тушган вақт, яъни 2022 йил 04 июнь кунидан эътиборан гумон қилинувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилаётган адвокатлар Т.Раҳматов, Б.Сотволдиев ва М.Исроиловалар билан бевосита алоқалар ўрнатилди ҳамда ўтказилаётган процессуал ҳаракатлар жараёни юзасидан доимий равишда ахборот алмашинувига йўл қўйилди.

Бундан ташқари, 2022 йил 06 июнь кунини қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси қўллаш ҳақида илтимоснома мазмунан кўриб чиқилишидан аввал, Палата раҳбарининг топшириғига биноан, Палата департаменти бошлиғи А.Махаммадиев ва Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи М.Рахимовлар Жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман суди биносига боришиб, Б.Имамова ва Н.Акиловалар билан бевосита учрашдилар.

Ушбу учрашув чоғида Б.Имамова ва Н.Акиловаларга Адвокатлар палатаси ўз ваколатлари доирасида кўмаклашишга тайёр эканлиги маълум қилинди.

Ўз навбатида адвокатлар Б.Имамова ва Н.Акиловалар ҳам Палата вакилларининг ташрифи ўзларига руҳий далда бўлишини таъкидлаганлари ҳолда, келгусида ҳам ўрнатилган тартибда ва ваколат доирасида амалий ёрдам кўрсатишни сўраганлар.

Шунингдек, тергов ҳаракатлари жараёнида Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси бошлиғи ва ИИВ тергов департаменти бошлиғи Я.Абдулхаков, дастлабки тергов ҳаракатлари амалга оширилиши учун масъул бўлган терговчи Н.Ходжабаева ва бошқа тергов гуруҳи аъзолари ўртасида бир неча учрашувлар ўтказилди.

Мазкур жиноят иши атрофидаги адвокатлар Б.Имамова ва Н.Акиловалар билан боғлиқ воқеалар ривож бевосита Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси раҳбариятининг доимий кузатуви остига олиниб, тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, 2022 йилнинг 14 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори номига расмий мурожаат юборилди.

Адвокатлар палатаси Раиси мурожаатининг матни қуйидагича бўлган:

“Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 116-моддасига мувофиқ фуқароларга, корхона, муассаса ва ташкилотларга юридик ёрдам бериш учун адвокатура фаолият кўрсатади.

Адвокатура соҳасини тартибга солувчи қонун ҳужжатлари билан адвокатларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ифодалаш, уларни касбий фаолияти билан боғлиқ таъқиблардан, чеклашлар ва тажовузлардан ҳимоя қилиш бўйича чоралар кўриш Адвокатлар палатаси зиммасига юклатилган.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ҳузуридаги Тергов департаменти иш юритувидаги жиноят иши доирасида уч нафар адвокатлар жиноий жавобгарликка тортилганлиги ва уларга нисбатан процессуал эҳтиёт мажбурлов чоралари қўлланилганлиги Адвокатлар палатаси ва адвокатлар ҳамжамиятида ўринли хавотирлар келтириб чиқараётганлиги, Сизга мурожаат қилишга сабаб бўлмоқда.

2022 йил 2 июн куни Тошкент вилоят прокурори томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 232-моддаси 1-қисми ва бошқа моддалари билан кўзғатилган жиноят иши бўйича адвокатлар Б.Имамова, Н.Акилова ва Ф.Курбановалар қамоққа олинган.

Адвокатлар палатасига, айбланувчиларнинг адвокатларидан келиб тушган маълумотларга кўра, адвокатлар Б.Имамова, Н.Акилова ва Ф.Курбановаларнинг юридик ёрдам кўрсатишда ифодаланган касбий фаолият доирасида амалга оширилган хатти-ҳаракатлари тергов органи

томонидан жиноят сифатида талқин қилинмоқда ва жиноий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлмоқда.

Жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман судининг 2022 йил 6 июн кунги ажримига биноан адвокат Б.Имамовага нисбатан дастлаб қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш рад этилган бўлиб, суд шундай тўхтамга келишини эълон қилинган айблов айбланувчининг касбий фаолияти билан боғлиқ эканлиги ва “Адвокатура тўғрисида”ги қонуни талабларига мувофиқ юридик ёрдам кўрсатиш муносабати билан жавобгарликка тортиш мумкин эмаслиги билан асослантирган.

Адвокатлар палатаси мазкур жиноят ишининг тафсилотлари ҳамда адвокатларга айблов эълон қилишга асос бўлган ҳолатлар ҳақида батафсил ва ҳолис маълумотларга эга эмаслигини таъкидлаш жоиз.

Жиноят иши доирасида уч нафар аёл адвокатларнинг касбий фаолиятига дахлдор ҳолатлар бўйича жиноий жавобгарликка тортилиб, қамоққа олинганлиги алоҳида ёндашувни такозо этади.

Адвокатларнинг хатти-ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо беришда Ўзбекистон Республикаси “Адвокатура тўғрисида”ги қонунининг 10-моддаси 4-қисмида назарда тутилган “Адвокат қонунга мувофиқ жисмоний ва юридик шахсларга юридик ёрдам кўрсатаётганлиги муносабати билан уни жиноий, моддий ва бошқа жавобгарликка тортиш ёки бундай жавобгарликни қўллаш билан қўрқитиш мумкин эмас”лиги ҳақидаги талабга қатъий ва оғишмай риоя этилишини таъминлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

Шу муносабат билан Сиздан жиноят иши юзасидан олиб борилаётган дастлабки тергов ҳаракатлари устидан алоҳида назорат ўрнатишингизни ҳамда адвокатлар Б.Имамова, Н.Акилова ва Ф.Қурбановаларнинг хатти-ҳаракатларига ҳолис баҳо берган ҳолда қонуний ва адолатли қарор қабул қилиниши таъминланишида амалий ёрдам кўрсатишингизни сўрайман”.

2022 йилнинг 14 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси раиси ва жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишга жалб қилинган Б.Имамова, Н.Акилова ва Ф.Қурбановаларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилаётган адвокатлар Т.Рахматов, Б.Сотволдиев ва М.Исроиловалар ўртасида учрашув ўтказилди.

Учрашув чоғида адвокатлар томонидан Палата раиси А.Эрназаровга ҳимояси остидаги шахслар иштирокида ўтказилаётган тергов ҳаракатлари ҳамда айбланувчиларнинг аҳволи ҳақида қисқача маълумот берилди.

Ўз навбатида Палата раҳбарияти ҳам ўтган вақт мобайнида амалга оширилган ишлар ҳақида адвокатлар Т.Рахматов, Б.Сотволдиев ва М.Исроиловаларга маълумот бериб ўтди.

Учрашув чоғида А.Эрназаров томонидан зарурат юзага келган тақдирда адвокатларнинг муурожаатларига биноан, айбланувчилар Н.Акилова, Б.Имамова ва Ф.Қурбановаларга нисбатан танланган эҳтиёт чорасини

енгилрок турдаги бошқа эҳтиёт чораси - жамоа кафиллигига топшириш эҳтиёт чорасига ўзгартириш борасида илтимоснома киритиш таклифи билдирилди ва ушбу таклиф адвокатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Шунинг учун Тошкент шаҳар ҳамда Фарғона вилояти ҳудудий бошқармалари томонидан Ўзбекистон Республикаси ИИВ Тергов департаменти раҳбарияти номига айбланувчилар Н.Акилова, Б.Имамова ва Ф.Қурбоноваларга нисбатан танланган эҳтиёт чорасини жамоа кафиллигига топшириш эҳтиёт чорасига ўзгартириш борасида илтимоснома киритилди.

Терговчининг 2022 йил 06 июль кунги қарорига асосан илтимосномани қаноатлантириш рад қилинган.

Шу билан биргаликда, ушбу вазиятга инсон ҳуқуқларини таъминлаш нуқтаи назаридан тегишли муносабат билдириш юзасидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Вакили (Омбудсман)га ҳам расмий мурожаатнома юборилган.

Худди шу каби, жиноят иши биринчи босқич судида кўриб чиқилиши жараёнида Тошкент шаҳри ва Фарғона вилояти ҳудудий бошқармалари бошлиқлари жамоат ҳимоячиси сифатида иштирок этиб, ҳамкасбларимизнинг ҳақ ҳуқуқларини ҳимоя қилдилар.

Жиноят ишлари бўйича Яшнобод туман судининг 2023 йил май ойининг 11 кунги ҳукмига биноан, ҳамкасбларимиз-“ADVOKAT ELIT” адвокатлик бюроси адвокати Имамова Барчиной Бахтиёровна, “GASANOVA AND PARTNERS” адвокатлик фирмаси адвокати Акилова Нозима Ходжиакбаровна ва “FARGONA ADOLAT TIMSOLI” адвокатлик бюроси адвокати Қурбонова Ферузахон Аширалиевналар дастлабки тергов органи томонидан эълон қилинган айбловларнинг барча эпизодлари юзасидан жиноий ҳодиса юз бермаганлиги ҳамда ҳаракатларида жиноят таркиби аломатлари мавжуд бўлмаганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 83-моддаси 1 ва 2-бандларига асосан айбсиз деб топилганлар ва реабилитация қилинганлар.

Мазкур суд ҳукмига нисбатан туман прокурори томонидан протест ҳамда жабрланувчилар ва уларнинг вакиллари томонидан шикоятлар келтирилганлиги боис, Жиноят иши Сирдарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъати апелляция инстанцияси томонидан кўриб чиқилди.

Биринчи инстанция судида бўлгани каби, апелляция инстанцияси судлов ҳайъати суд мажлисларида ҳам Адвокатлар палатаси Тошкент шаҳри, Фарғона ва Сирдарё вилояти ҳудудий бошқармалари бошлиқлари ҳамкасбларимизнинг жамоат ҳимоячиси сифатида иштирок этдилар.

Судлов ҳайъатининг 2023 йил 5 сентябрь кунги ажримига биноан, биринчи инстанция судининг ҳукми ўзгаришсиз, протест ва шикоятлар қаноатлантирилмасдан қолдирилган.

Юқорида қайд этиб ўтилган маълумотлар Адвокатлар палатасига келиб тушган мурожаатларнинг бир қисмидир.

Қилинган мурожаатларнинг аксарияти мутассадди ташкилотлар томонидан белгиланган муддатларда кўриб чиқилиб, муносабат билдирилган ҳамда айрим мурожаатларда баён этилган масалалар қонун доирасида ҳал этилган.

7. Адвокатларнинг касбий тайёргарлиги ва уларнинг малака оширишини ташкил этиш.

Ҳар уч йилда бир марта касбий малакани ошириб бориш адвокатлик касбига қўйилган талаблардан биридир. Ушбу талабни бажармаслик адвокатга нисбатан интизомий жавобгарликни келтириб чиқаради. Малакали юридик ёрдам кўрсатиш мажбурияти адвокатлардан касбий билим ва кўникмалари юқори даражада бўлишини тақазо этади. Шу боис ҳам адвокатларнинг касбий билимларини доимий равишда ошириб бориш ишларини юқори даражада ташкил этиш Адвокатлар палатасининг доимий назорати ва диққат марказида бўлиб келмоқда. Ҳозирда Адлия вазирлиги хузуридаги Юристлар малакасини ошириш маркази адвокатлар малакасини оширадиган ягона ўқув муассасаси ҳисобланади.

2018-2023 йиллар давомида Адвокатлар палатаси Юристлар малакасини ошириш маркази билан ҳамкорликда адвокатларнинг малакасини ошириш бўйича узвий ва давомли ишларни амалга оширди. Адвокатларга қулайлик яратиш мақсадида 2020 йилдан бошлаб Юристлар малакасини ошириш маркази билан ҳамкорликда 4 турдаги, жумладан масофавий – платформа орқали, онлайн, анъанавий ва сайёр ўқитиш жорий этилди. Шунингдек, жорий йилдан бошлаб адвокатларга малака оширганлик тўғрисидаги сертификатларни электрон тарзда сайт орқали олиш имконияти яратилди.

Ушбу йўналишда амалга оширилган ишлар натижасида **2018** йилда **856 та** адвокат, **2019** йилда **857 та** адвокат, **2020** йилда **463 та** адвокат (шундан 403 та анъанавий ва 60 та масофавий), **2021** йилда **549 та** адвокат (шундан 170 та анъанавий, 269 та офф-лайн ва 110 та он-лайн), **2022** йилда **967 та** адвокат (шундан 217 та анъанавий, 500 та офф-лайн ва 250 та он-лайн), **2023** йилнинг биринчи ярмида **393 та** адвокат (25 та анъанавий, 286 офф-лайн ва 82 та он-лайн) малака оширди. Ҳисобот даврида жами **4085 та** адвокат юристлар малакасини ошириш марказида касбий малакасини оширди.

Малака ошириш курсини яқунлашда Палатанинг масъул ходими доимий катнашиши йўлга қўйилди.

8. Адвокатура фаолияти тўғрисидаги статистик маълумотларни тўплаш ва ўрганиш, адвокатларнинг ижобий иш тажрибасини оммалаштириш, адвокатлик тузилмалари ва адвокатларга услубий ёрдам кўрсатиш.

Адвокатлар палатаси Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда ушбу йўналишда муайян ишларни амалга оширди. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 2009 йил 15 декабрдаги буйруғи билан Адвокатлик тузилмаларининг статистик маълумотлари шакллари тасдиқланган. Унда адвокатлик тузилмалари зиммасига ҳар олти ойда статистик маълумотларни

қоғоз кўринишида ва электрон шаклда топшириш мажбурияти юклатилган эди. Шунингдек, маълумотлар 11 та шакл бўйича тайёрланиши лозим эди. Статистик маълумотлар шаклларидаги айрим чалкашликлар, бир бирини такрорловчи талаблар уни тўлдиришда муайян қийинчиликларни келтириб чиқарарди, шу боис Адвокатлар палатаси Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда статистик маълумотларнинг ихчам, барчага тушунарли бўлган янги шаклини ишлаб чиқди ва у Адлия вазирлигининг 2018 йил 5 январдаги буйруғи билан тасдиқланди. Бундан ташқари, статистик маълумотларни топшириш санаси ва муддатига ҳам ўзгартириш киритилди. Янги тартибга мувофиқ, статистик маълумотлар йилига бир марта, ҳисобот йилидан кейинги 10 январгача электрон имзо билан тасдиқланган ҳолда Адвокатлар палатасининг расмий сайтига юборилиши белгиланди.

Статистик маълумотлар Республика Адвокатлар палатаси томонидан таҳлил қилиниб, ўрганилган ҳолда ундан келиб чиқадиган вазифалар белгилаб олинмоқда. Статистик маълумотлар таҳлилидан келиб чиқиб Республикадаги мавжуд адвокатлик тузилмалари, уларда фаолият кўрсатаётган адвокатлар сони, адвокатлар томонидан жиноят, маъмурий, маъмурий ҳуқуқбузарлик, фуқаролик, иқтисодий ва бошқа туркумдаги қатнашилган ишлар ҳақидаги қисқача маълумотларни эътиборингизга ҳавола этмоқчиман.

2023 йилнинг 31 июнь ҳолатига кўра республикамизда жами **2594та** адвокатлик тузилмалари фаолият кўрсатаётган бўлиб, шулардан **73 тасини** адвокатлар ҳайъатлари, **443 тасини** адвокатлик фирмалари, **2078 тасини** адвокатлик бюроларини ташкил этади. Агар олдинги йиллар билан таққосланса, уларнинг сони йилдан йилга ўсиб бораётганлигини кўришимиз мумкин. Масалан, 2018 йилда жами адвокатлик тузилмалари сони **1660 тани** ташкил қилган бўлса, бу рақам 2019 йилда **1744 тага**, 2020 йилда **1861 тага**, 2021 йилда **2051 тага** ва ниҳоят 2022 йилда **236 тага** етган.

Шунингдек, 2023 йилнинг биринчи ярим йиллик ҳолатига кўра республикада фаолият кўрсатаётган адвокатларининг умумий **сони 4878** нафарни ташкил этган бўлиб, шулардан **3971 нафари** эркак адвокатлар ва **907 нафари** аёл адвокатлар ҳиссасига тўғри келади. Агар рақамларга эътиборни қаратадиган бўлсак, адвокатлар сони ҳам йилдан йилга ўсиб бораётганлигига гувоҳ бўламиз. Масалан, 2019 йилда адвокатларнинг умумий сони **3944 тани** ташкил қилган бўлса, 2019 йилда **3919 тани**, 2020 йилда **4125 тани**, 2021 йилда **4211 тани** ва ниҳоят 2022 йилда **4577 тани** ташкил қилган. Адвокатларнинг ёши таҳлил қилинадиган бўлса, 30 ёшгача бўлган адвокатлар сони жуда кам миқдорни ташкил этаётганини, 50 ёшдан ошган адвокатлар сони энг кўп миқдорни ташкил этаётганлигини кўришимиз мумкин. 30 ёшгача бўлган адвокатлар умумий адвокатларнинг 1,5-2 фоизини ташкил қилаётган бўлса, 50 ёшдан ошган адвокатлар умумий адвокатлар сонининг 50 фоиздан ортиқроғини ташкил қилмоқда.

Адвокатлик мақомига эга бўлиш учун юридик соҳа бўйича икки йил иш стажига эга бўлиш лозимлиги ҳақидаги талабни бекор қилиш бўйича

“Адвокатура тўғрисида”ги қонунга ўзгартириш киритилди. Адвокатлик мақомини олишга бўлган ушбу чекловнинг бекор қилиниши адвокатура соҳасига ёшларнинг кириб келишига замин яратади, деб умид қиламан.

Жиноят, маъмурий ҳуқуқбузарлик, маъмурий, фуқаролик, иқтисодий ишларда ҳимоячи ёки вакил сифатида иштирок этиш адвокатнинг касбий фаолияти ҳисобланади. Статистик маълумотлар таҳлили адвокатлар томонидан жисмоний ва юридик шахсларга кўрсатилаётган юридик ёрдамнинг салмоғи юқори эканлигидан далолат бермоқда. Таҳлиллардан кўринишича, 2018 йилдан 2023 йил 1 июлгача республикада адвокатлари жами 907 242 та шахсларга нисбатан қўзғатилган жиноят ишларида иштирок этиб, ўз ҳимоялари остидаги шахсларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилганлар. Шунингдек, ушбу давр ичида жами 61 649 та маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларида, 277971 та фуқаролик ва 32696 та иқтисодий ишларда иштирок этганлар.

Бундан ташқари, адвокатларнинг касбий малакаларини узлуксиз ошириб боришни таъминлаш, уларга услубий ёрдам кўрсатиш ва касбий фаолиятларига амалий жиҳатдан кўмаклашиш ҳамда илмий асосларни ривожлантириш мақсадида Адвокатлар палатаси томонидан туркум илмий-амалий ва услубий қўлланмаларни тайёрлаш тизимли равишда йўлга қўйилди.

2020 йилда Ўзбекистон адвокатурасининг тарихий тараққиёти, ривожланиш босқичлари ва адвокатурадаги мавжуд муаммолар илмий-назарий жиҳатдан таҳлил қилинган ҳолда республикадаги 1500 нафар адвокат ўртасида сўровнома ўтказилиб, унинг натижаси “Ўзбекистонда адвокатура: Жорий ҳолати ва ривожланиш истиқболлари (Таҳлилий маълумот)” номи билан китоб шаклида чоп этилди.

Шунингдек, адвокатура ва адвокатлик фаолияти бўйича ўтказилган социологик тадқиқот натижалари таҳлили ҳам алоҳида китоб шаклида чоп этилиб, адвокатларга етказилди.

Бундан ташқари 2021 йилда:

“Фуқаролик ишлари бўйича суд ҳужжатларидан намуналар” услубий қўлланмаси;

“Адвокатлар учун услубий қўлланма”;

“Ҳуқуқий тусдаги ҳужжатлардан намуналар” амалий-услубий қўлланмаси;

“Адвокатурага оид корпоратив ҳужжатлар” амалий-услубий қўлланмаси каби адвокатлар учун услубий қўлланмалар чоп этилиб, адвокатлар етказиб берилди.

9. Адвокатлар томонидан қонунчиликка, Адвокатнинг касб этикаси қоидаларига, адвокатлик сири ва адвокат қасамёдига риоя этилиши устидан назоратни амалга ошириш.

Палата ушбу йўналишдаги назоратни ўз ҳудудий бошқармалари ҳузуридаги малака комиссиялари ва Олий малака комиссияси орқали амалга оширади. Малака комиссиялари адвокатликка талабгар шахслардан малака

имтихонларини қабул қилиш билан бирга адвокатларнинг хатти-ҳаракатлари юзасидан келиб тушадиган ариза ва шикоятларни кўриб чиқиб, ваколатлари доирасида қарорлар қабул қилади.

Худудий бошқармалар ҳузуридаги малака комиссиялари ва Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатаси ҳузуридаги Олий малака комиссияси фаолияти таҳлили шуни кўрсатдики, ҳисобот даврида (2019 йил – 2023 йилнинг ярим йиллиги) Палата ва унинг худудий бошқармаларига фуқаролар, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар, судлар ва бошқа ташкилотлар томонидан адвокатларнинг хатти-ҳаракатлари юзасидан жами **5759 та шикоят ариза, тақдимнома ёки хусусий ажримлар келиб тушган.**

Шулардан:

жисмоний ва юридик шахслар мурожаатлари **5 239 та;**

тақдимномалар **401 та;**

хусусий ажримлар **85 та.**

Йиллар бўйича таҳлил қилинадиган бўлса, бу кўрсаткич қуйидагини ташкил қилади:

2019 йилда: **1 569 та;**

2020 йилда: **885 та;**

2021 йилда: **1 125 та;**

2022 йилда: **1 413 та;**

2023 йилнинг 1-ярмида: **767 та.**

Келиб тушган ариза шикоятларнинг **2 957 таси;**

тақдимномаларнинг **167 таси;**

хусусий ажримларнинг **50 таси** малака комиссияларда кўриб чиқиши жараёнида ўз тасдиғини топмаганли учун рад этилган.

Бундан ташқари, келиб тушган ариза, шикоят, тақдимнома ва суд ажримларининг малака комиссиялари томонидан кўриб чиқиши натижасига кўра интизомий жазо сифатида:

2019 йилда 143 та;

2020 йилда 16 та;

2021 йилда 35 та;

2022 йилда 50 та-

2023 йилнинг 1-ярмида 39 та – жами **283 та** адвокат лизензияларининг амал қилиши муайян муддатларга тўхтатилган.

Малака комиссияларининг қарорлари асосида маъмурий судлар томонидан жами **108 та** адвокатнинг касб фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқини берувчи лицензиясининг амал қилишини тугатиш ҳақида қарор қабул қилинган. Адвокатлар лицензиясининг амал қилишини тугатиш кўрсаткичи йиллар бўйича қуйидагини ташкил қилган:

2019 йилда 40 та;

2020 йилда 6 та;

2021 йилда 17 та;

2022 йилда 27 та;

2023 йилнинг 1-ярмида 18 та.

Жиноий жавобгарликка тортилганлиги муносабати билан лицензиясининг амал қилиши тугатилган адвокатлар сони **89 нафарни** ташкил этган бўлиб, бу кўрсаткич йиллар ҳисобида қуйидагича кўриниш ҳосил қилади:

2019 йилда 11 та;

2020 йилда 16 та;

2021 йилда 25 та;

2022 йилда 24 та;

2023 йилнинг 1-ярмида 13 та.

Албатта, бу кўрсаткич умумий адвокатлар сонига нисбатан унчалик кўп миқдорни ташкил этмаса-да, унинг якуний натижаси адвокатларнинг жамиятдаги мавқеига ўзининг салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмайди.

Адвокатлар малака комиссиялари ҳамда Олий малака комиссияси тўғрисидаги низомлар талабига кўра адвокатликка талабгор шахслар ёки интизомий жазога тортилган адвокатлар малака комиссиялари қабул қилган қарорлар устидан белгиланган муддат ичида Олий малака комиссиясига шикоят қилишлари мумкин. Ушбу нуқтаи назардан келиб чиқиб таҳлил қилинганда:

2019 йилда 31 та;

2020 йилда 16 та;

2021 йилда 59 та;

2022 йилда 73 та;

2023 йилнинг 1-ярмида 35 та ҳудудий малака комиссияларининг қарорлари Олий малака комиссияси томонидан қайта кўриб чиқилиб, бекор қилинган. Бундан ташқари, ҳисобот даврида талабгор шахслардан малака комиссияларига:

2019 йилда 682 та;

2020 йилда 584 та;

2021 йилда 884 та;

2022 йилда 1 033 та;

2023 йилнинг 1-ярмида 593 та – жами 3776 та ариза келиб тушган бўлиб, улардан:

2019 йилда 488 таси;

2020 йилда 492 таси;

2021 йилда 708 таси;

2022 йилда 814 таси;

2023 йилнинг 1-ярмида 472 таси – жами 2974 нафари малака имтиҳонларини муваффақиятли топширган.

Адвокат мақомини олиш учун малака имтиҳонлари ўтказилиши жараёнининг шаффофлигини таъминлаш, шу жумладан зарур ҳужжатларни электрон тартибда тақдим этиш, уларнинг рўйхатини мақбуллаштириш ва имтиҳон жараёнини реал вақт режимида Интернет тармоғида трансляция қилиш мақсадида Адвокатлар палатаси томонидан барча ҳудудий

бошқармалар биноларида малака имтиҳонларини қабул қилиш синфлари ташкиллаштирилиб, улар веб-камералар билан таъминланган. 2018 йил сентябрь ойидан Олий малака комиссиясида қабул қилинган имтиҳонлар онлайн режимда интернет орқали узатилиб борилмоқда.

10. Адвокатуранинг жамиятдаги нуфузи ва мавқеини янада кўтариш, кўрсатилаётган юридик ёрдамнинг сифат ва самарадорлигини ошириш ҳамда республикадаги малакали, билимли адвокатларни аниқлаш орқали уларнинг иш тажрибаларини оммалаштириш, шунингдек адвокатлик тузилмаларида намунали иш юритишни ташкил қилиш мақсадида 2018 йил якуни бўйича “Йилнинг энг яхши адвокати” ва “Йилнинг энг яхши адвокатлик тузилмаси” номинациялари бўйича кўрик танлов эълон қилинди. Ўтказилган кўрик танлов натижаларига кўра “Йилнинг энг яхши адвокати” номинациясида Қашқадарё вилоятидаги “PROTSESSUAL KAFOLAT” адвокатлик бюроси адвокати Сафар Каттабоев, “Йилнинг энг яхши адвокатлик тузилмаси” номинацияси бўйича Жиззах вилоятида фаолият олиб бораётган “SEVINCH” адвокатлар ҳайъати ғолиб деб топилди ва уларга Адвокатлар палатаси томонидан қимматбаҳо совғалар ва эсдалик нишонлари топширилди.

2022 йилда қатор халқаро ташкилотлар ҳомийлигида 5 номинация бўйича “Йил адвокати” кўрик танлови ташкил қилинди. Жорий йилнинг 12 февраль куни Тошкент шаҳридаги «Hilton Tashkent city» меҳмонхонасида бўлиб ўтган Адвокатларнинг III халқаро конференцияси доирасида 2022 йилнинг энг яхши адвокатлари эълон қилинди. Танловнинг:

1. “Касбий маҳорат” номинациясида – Панжи Маҳманазаров (Сурхондарё вилояти)

2. “Инсон ҳуқуқлари ҳимоясидаги муваффақият” номинациясида – Феруза Жалилова (Наманган вилояти)

3. “Порлаётган юлдуз” номинациясида – Фарҳод Романов (Қорақалпоғистон Республикаси)

4. “Устоз-мураббийлик” номинациясида – Зафар Таиров (Бухоро вилояти)

5. “Ҳуқуқий ислохотлардаги фаоллик” номинациясида – Зафар Тухташов (Тошкент шаҳри) ғолиб деб эътироф этилди.

Ғолибларга Адвокатлар палатаси ва ҳомийларнинг соврин ва қимматбаҳо совғалари топширилди.

2023 йилда ҳам Адвокатлар палатаси томонидан Минтақавий мулоқот ХНТ билан ҳамкорликда АҚШ Давлат Департаментининг Демократия, инсон ҳуқуқлари ва меҳнат бўйича Бюроси кўмагида “Йил адвокати” танлови эълон қилинган.

Танловдан кўзланган мақсад муносиб адвокатларни инсон ҳуқуқлари ҳимоясидаги бекиёс саъй-ҳаракатлари ва ютуқлари, Ўзбекистон Республикасида адвокатлик соҳаси ва одил судлов тизимини ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун тақдирлашдир.

Бу йил “Йил адвокати 2023” танловида 6 та номинация бўйича мукофотлар эълон қилинди:

1. Касбий маҳорат учун “Санжар Ахмеджанович Якубов номидаги мукофот”.
2. Ҳуқуқий ислохотларга қўшган ҳиссаси учун “Ричард Стоддард номидаги мукофот”.
3. “Порлоқ юлдуз мукофоти” (35 ёшгача бўлган адвокатлар алоҳида ютуқлари учун тақдирланади).
4. “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари ҳимояси учун мукофоти”.
5. “Заиф гуруҳлар ҳуқуқлари ҳимояси учун мукофоти”.
6. “Аҳолининг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қўшган ҳиссаси учун мукофоти”.

11. Шунингдек, фаолият очиқлигини ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида Адвокатлар палатаси расмий сайти ишлаб турибди, сайтда барча республикамиздаги адвокатлар реестри, уларнинг ихтисослашуви белгиланган тартибда жойлаштирилган. Худудий бошқамалар томонидан “Телеграм” тармоғида ўз худудида фаолият юритувчи адвокатларнинг телеграм-каналлари ва гуруҳлари тузилган. Палата сайти замон талабларидан келиб чиққан ҳолда узлуксиз равишда такомиллаштириб борилаётган бўлиб, бугунги кунда ушбу сайт орқали статистик ҳисоботларни электрон шаклда олиш, замонавий ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, хусусан вебинар ўтказиш йўли билан ўқитиш, on-line маслаҳат бериш, электрон кутубхонадан фойдаланиш, "ADVOKAT" журнали ва “ADVOKAT PRESS” газетасида чоп этилаётган материалларнинг қисқача шарҳларини “Advokatnews.uz” сайтида эълон қилиш имконияти мавжуд.

12. Ўз касбига ҳалол муносабатда бўлиб, касбий вазифасини бениқсон ва сидқидилдан бажариб келаётган, ўзининг юриш-туриши, жамиятдаги ўрни, одоб-ахлоқи билан бошқаларга ўрнатган бўлаётган адвокатларни тақдирлаб бориш Адвокатлар палатасининг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Улар давлатимизнинг орден-медалларига тавсия қилинмоқда, шунингдек ўрнатган фаол адвокатлар Адвокатлар палатасининг фахрий ёрликлари ва эсдалик совғалари билан тақдирланиб келинмоқда.

2018 йил–2023 йилнинг биринчи ярми ҳолатига кўра Палата томонидан тавсия қилинган адвокатлардан бир гуруҳи республикамизнинг медаллари ва кўкрак нишонлари билан тақдирландилар. Хусусан, 2021 йилда Самарқанд шаҳридаги “Темир йўл” адвокатлар ҳайъати адвокати Абдурахмонова Мухаббат Рашидовна, 2022 йилда Тошкент шаҳридаги “SANKTALEKS” адвокатлик фирмаси бошқарувчи шериги Баҳром Саломовлар “Шухрат” медали билан, Сирдарё вилояти Гулистон шаҳридаги “ADVOKAT UMID CHIROG’I ” адвокатлик фирмаси адвокати Носирли Али Ҳейдар ўғли эса

Озарбайжон Республикаси Президентининг Фармониға биноан “Достлуг” ордени билан тақдирланди.

Бундан ташқари, 2021 йилда Адвокатлар палатасининг Бухоро вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Зебинисо Мухамедова “Инсон ҳуқуқлари ҳимояси” кўкрак нишони, Сурхондарё вилоятидаги “Шеробод адвокатлари жамоаси” адвокатлар ҳайъати адвокати Ойимжон Якубова “Мўътабар аёл” кўкрак нишони, 2023 йилда Тошкент вилояти, Тошкент тумани, “QONUN NIHOYASI” адвокатлик бюроси адвокати Гулнора Мирзахмедова “Мўътабар аёл” кўкрак нишони, Адвокатлар палатасининг Самарқанд вилоят ҳудудий бошқармаси бошлиғи Тоҳир Қодиров Ўзбекистон Республикаси Нуруний жамғармаси томонидан “1-даражали меҳнат шухрати” кўкрак нишони билан тақдирландилар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Мустақиллигининг 25 йиллиги муносабати билан адвокатура тизимида фаолият кўрсатаётган 55 нафар адвокат ва соҳанинг бошқа ходимлари “Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 25 йиллиги” эсдалик нишонини олган бўлсалар, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30 йиллиги муносабати билан республика адвокатларининг 140 нафари “Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 30 йиллиги” эсдалик нишонига сазовор бўлдилар.

13. Адвокатлар палатаси томонидан адвокатларнинг матбуот органи бўлган “ADVOKAT” журнали ва “ADVOKAT PRESS” газетаси фаолиятининг ривожлантиришига катта эътибор берилмоқда. Чунки ушбу нашрлар адвокатларнинг касбий тайёргарлигини ошириш мақсадида 1999 йилдан буён бир йилда 6 та сон даврийлигида чоп этилиб келинмоқда (бугунги кунда тиражи 2600 нусхага етган). “ADVOKAT” журнали суд-ҳуқуқ соҳасига, жумладан, инсон ҳуқуқлари ҳимояси, одил судловга, адвокатура институтига доир илмий-назарий, амалий-услубий ва бошқа материалларга кенг ўрин бермоқда.

Айниқса кейинги уч йил ичида журналимиз ихтисослашган ҳуқуқий, илмий-амалий нашрга айлантирилиб, янгича қиёфа ва мазмун билан бойиди. Асосий эътибор айнан адвокатура институти, хусусан соҳадаги муаммолар, ижобий тажрибалар, адвокатлар амалиётига оид ва таҳлилларга бой материалларни чоп этишга қаратилмоқда. Хусусан, даврий нашрларимизда Адвокатлар палатаси ва унинг ҳудудий бошқармалари томонидан ўтказилган тадбирлар, анжуманлар, янгилликлар ва ахборотларни ёритиш билан бирга, 2018-2023 биринчи ярмида 376 та адвокат мақоласи, адвокатлар билан ўтказилган интервьюлар, “Адвокат амалиётидан”, “Интизомий амалиёт” ва “Адвокатга услубий-амалий ёрдам” каби рукнлар бўйича материаллар эълон қилинди.

Бундан ташқари, 2022 йилдан бошлаб ҳуқуқий, ижтимоий-сиёсий “ADVOKAT PRESS” газетасини ҳам чоп этиш йўлга қўйилди ва бугунги кунда унинг адади 1580 нусхага етган. Ойда бир марта чоп этиладиган халқаро стандартларга жавоб берадиган А-3 форматдаги газетада

адвокатларнинг касбий тажрибаси, ҳаёт йўли, ижодкорлиги, адвокатлик тузилмаларининг фаолияти ёритилиб келинмоқда. Ушбу газета адвокатларнинг ҳақиқий касбий минбарига айланди, десак муболаға бўлмайди.

14. Палатанинг молиявий фаолияти. Палатанинг тарихида илк бор, ҳар йили охириги 5 йил давомида Палатанинг молиявий фаолиятига тегиш маълумотлар Ўзбекистон Республика Адвокатлар палатасининг **Расмий сайтида (<https://paruz.uz/>)** чоп этилиб келинди (Иловаларга қаранг).

Ўзбекистон Республикаси Адвокатлар палатасининг молиявий фаолияти Палата Тафтиш комиссияси томонидан текшириб келинган ва тегишли хулосалар олинган. Бундан ташқари, қонунчиликда ва Палатанинг уставида мажбурийлик талаби бўлмаган ҳолда, Палата раҳбарининг ташаббуси ва Палата Бошқарувининг қарорига асосан ҳар йили мустақил, мустақил аудиторлик ташкилотлари жалб этилиб уларнинг ижобий хулосалари олинган ва бу хулосалар ҳам Ўзбекистон Республика Адвокатлар палатасининг **Расмий сайтида (<https://paruz.uz/>)** чоп этилиб келинди (Иловаларга қаранг).

Хулоса қилиб айтганда, ўтган даврда Адвокатлар палатаси томонидан амалга оширилган ишлар адвокатура институтининг мустақиллиги ва жамиятдаги нуфузини ошириш ва унинг корпоратив бирлигини мустахкамлашга қаратилди.

2023 йил 22 сентябрь

**Ўзбекистон Республикаси
Адвокатлар палатаси**

МАЪЛУМОТНОМАНИНГ ИЛОВАЛАРИ:

1-илова. Ўзбекистон Республикаси Авокатлар палатасида 2023 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра адвокатлик тузилмалари, адвокатлар ва уларнинг иш фаолиятига оид МАЪЛУМОТЛАР;

2-илова. Ўзбекистон Республикаси Авокатлар палатасида 2009-2022 йиллар ҳолатига кўра адвокатлик тузилмаларига оид МАЪЛУМОТ;

3-илова. 2018-2022 йиллар ва 2023 йил 6 ойи давомида Адвокатлар палатаси тизимида адвокатлар ва адвокатлик тузилмалари сони ҳақида МАЪЛУМОТ;

4-илова. 2018 -2022 йиллар ва 2023 йил 6 ойилар давомида адвокатлар томонидан жиноят ишларида қатнашишлар сони ҳақида МАЪЛУМОТ;

5-илова. 2018-2022 йиллар ва 2023 йил 6 ойи давомида адвокатлар томонидан маъмурий ишларда қатнашишлар сони ҳақида МАЪЛУМОТ;

6-илова. 2018-2022 йиллар 2023 йил 6 ойи давомида адвокатлар томонидан фуқаролик ишларида қатнашишлар сони ҳақида МАЪЛУМОТ;

7-илова. 2018-2022 йиллар 2023 йил 6 ойи давомида адвокатлар томонидан иқтисодий ишларда қатнашишлар сони ҳақида МАЪЛУМОТ;

8-илова. 2018-2022 йиллар ва 2023 йил 6 ойи давомида адвокатлар томонидан юридик шахсларга кўрсатилган юридик ёрдамлар сони ҳақида МАЪЛУМОТ;

9-илова. Адвокатлар палатасининг 2019-2023 йилларда ҳамкорликдаги лойиҳаларни амалга ошириш учун халқаро ташкилотлардан олинган мол-мулк тўғрисидаги МАЪЛУМОТ;

10-илова. 2019-2023 йиллар давомида Адвокатлар палатаси томонидан донорлар ҳамкорлигида амалга оширилган тадбирлар тўғрисида МАЪЛУМОТ;

11-илова. Адвокатлар палатасининг 2019 йилдаги фаолияти тўғрисида ҲИСОБОТ;

12-илова. Адвокатлар палатасининг 2020 йилдаги фаолияти тўғрисида ҲИСОБОТ;

13-илова. Адвокатлар палатасининг 2021 йилдаги фаолияти тўғрисида ҲИСОБОТ;

14-илова. Адвокатлар палатасининг 2022 йилдаги фаолияти тўғрисида ҲИСОБОТ;

15-илова. Адвокатлар палатасининг 2019 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссияси томонидан ўтказилган текширув ДАЛОЛАТНОМАСИ;

16-илова. Адвокатлар палатасининг 2020 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссияси томонидан ўтказилган текширув ДАЛОЛАТНОМАСИ;

17-илова. Адвокатлар палатасининг 2021 йилдаги молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссияси томонидан ўтказилган текширув ДАЛОЛАТНОМАСИ;

18-илова. Адвокатлар палатасининг 2021 йил 1 июлдан 2023 йил 1 июль ҳолатига молиявий-хўжалик фаолияти юзасидан Тафтиш комиссияси томонидан ўтказилган текширув ДАЛОЛАТНОМАСИ;

19-илова. Адвокатлар палатаси 2019 йилда ўтказилган аудит текшируви ҳулосаси;

20-илова. Адвокатлар палатаси 2020 йилда ўтказилган аудит текшируви ҳулосаси;

21-илова. Адвокатлар палатаси 2021 йилда ўтказилган аудит текшируви хулосаси;

22-илова. Адвокатлар палатаси 2022 йилда ўтказилган аудит текшируви хулосаси;

23-илова. Адвокатлар палатаси 2023 йилда ўтказилган аудит текшируви хулосаси.
